



**Тошкент давлат
иқтисодиёт университети**



**Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ**

**Электрон таълимда амалга
оширилаётган изланишлар: назария ва
амалиёт**

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

2021 йил 26 октябрь

Тошкент – 2021

“Электрон таълимда амалга оширилаётган изланишлар: назария ва амалиёт” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислар тўплами. 2021 йил 26 октябрь. – 310 б. Конференция илмий мақола ва тезислар тўплами ТДИУ расмий сайтида (www.tsue.uz) Google Scholar тизимида боғланган ҳолда эълон қилинади.

Ушбу маърузалар тўплами ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси, ҳамда 2019 йил 6 сентябрда “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ва олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этишга бағишланган илмий таклиф ва амалий тавсияларини мужассам этган.

Анжуман кун тартибига киритилган масалаларнинг ечимидан кўзланган мақсад республикамиз олий таълим тизимининг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилиш асосида уни ислоҳ қилиш йўналишларини белгилаш, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, электрон таълим мазмунини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтариш, олий таълим муассасаларини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан инновацион ва технологик гоялар билан фикр алмашиш, ҳамда бу борада профессор-ўқитувчилар ташаббускорлигини ошириш масалаларига жамоатчилик диққатини қаратишдан иборатдир.

Тўпламдан қўлланма сифатида профессионал таълим йўналишида таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура bosқичидаги иқтисодчи-талабалар, иқтисодиётга йўналтирилган таълим муассасалари педагоглари, тадқиқотчилар, шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Тўплам таҳрир хайъати қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир – т.ф.д., профессор Шарипов К.А.

Таҳрир хайъати:

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Абдурахманова Г.К.
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Эшов М.П.
педагогика фанлари доктори, профессор Ҳакимова М.Ф.
педагогика фанлари номзоди, доцент Файзуллаева Н.С.
педагогика фанлари номзоди, доцент Мамаражабов Ш.Э.

Мазкур тўпламга киритилган мақола ва маъруза тезисларида келтирилган маълумотлар ҳамда статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

МУНДАРИЖА

Шарипов К.А.	КИРИШ СЎЗИ	8
Абдурахмонова Г. К.	ТАБРИК СЎЗИ	10
Жумаев Н.Х.	ТАБРИК СЎЗИ	12
Гуломов С.С.	Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни шакллантириш: хорижий тажриба ва истиқболлар	13
Шин А.В.	Новые формы дошкольного образования в Республике Узбекистан	17
Шарифходжаев У.У.	Масофавий ўқитишга асосланган таълим ва ҳаёт давомида ўқиш тизимини жорий этилишнинг таҳлилий мулоҳазалари	18
Мамадалиева Н.	Янги Ўзбекистонда таълимни рақамлаштириш – рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси	21
Абдуллаев А..	Таълимни бошқариш ахборот тизими орқали олий таълим тизимида профессор–ўқитувчи ва талабаларнинг фаолиятини баҳолаш	25
Шаймарданов Т.Т.	Малака ошириш курсларида масофавий таълим технологиялардан фойдаланиш истиқболлари	28
Мирсолиева М.	COVID-19 пандемиясининг олий таълим тизимидаги ўқитиш тенденцияларига таъсири: тажриба ва истиқбол йўналишлар	33
Иргашева Д.Я.	Университетнинг рақамли трансформацияси элементлари	36
1-шўъба. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ		
Гулямов С.С., Хайитматов У.Т., Джуманиязов Ш.Р.	Сунъий интеллект технологиялари ва унинг электрон таълимдаги роли	40
Ҳакимова М.Ф., Жураев Э.Г.	Талабаларни мустақил таълим орқали касбий компетенциясини такомиллаштириш	46
Файзуллаева Н.С.	Особенности подготовки профессиональных кадров в условиях электронной образовательной среды	49
Акрамова Л. Ю.	Положительные и проблемные аспекты внедрения дистанционного обучения в вузах	51
Абдувахидов А.М.	Цифровая экономика и влияние на образование	53
Касимова С.К. Закирова Д.	Электронное обучение: проблемы, перспективы, задачи	56
Маҳкамова М.Ю.	Профессионал таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш жараёнининг илмий-методик таъминоти	59
Мамаражабов Ш.Э. Халмуратова Ж.Г.	Профессионал таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш жараёнида интегратив кўникмаларини шакллантириш технологияси асосида ўқитиш омиллари, усул ва воситалари	66
Тўрабеков Ф.С.	Профессионал таълимда замонавий дидактик	70

	воситаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари	
Максумова М. Ш.	Бўлажак иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашдаги дастурий -методик таъминотнинг фундаментал асослари	73
Ўсаров Ж.Э., Усманиев Ҳ.О.	Ўқувчиларда синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва бошқариш	75
Мамаражабов Ш.Э. Шарипов Б.Д.	Профессионал таълим тизимида хориж тажрибасидан фойдаланишнинг имкониятлари	77
Каюмова М.Ш.	Профессионал таълим муассасалари мутахассисларини тайёрлаш жараёнида электрон ўқув адабиётларини яратиш	81
Сулаймонова Д. В. Кулдашева Ф. К.	Ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш	83
Хакимова Х. Х.	Конкуренция и стратегия в высшем образовании: управление сложностью и неопределенностью	86
Очилов А. О. Сафаров Ш.С.	Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда пандемиянинг таъсири	89
Узокова Г. С.	Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашда кредит-модуль технологияларини такомиллаштириш	91
Асқарова М.Т. Жамолов Ж.Ж.	Ўзбекистоннинг иқтисодий интеграция жараёнидаги иштирокининг долзарб масалалари	94
Абдуллаев М. К. Абдуллаева Г.С.	Таълим жараёнига сунъий интеллект технологияларини қўллаш	99
Шоюсупова Н.Т.	Аспекты формирования государственной политики в сфере занятости	102
Ходжиев М. Т. Рахимов Б.Х. Турдиева Р. К.	Формирование информационной культуры у будущих специалистов в высших образовательных учреждениях	109
Ҳамидов Ж.А.	Профессионал таълим ўқитувчисини тайёрлаш муаммолари ва унинг касбий тайёргарлигига қўйилган талаблар	112
2-шўъба. АХБОРОТЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ		
Хакимова М.Ф. Азизова М.	Бўлажак иқтисодчи мутахассисларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш имкониятлари	116
Химматалиев Д.О., Абдиева Э.	Умумтаълим мактабларини бошқаришга инновацион ёндашув	119
Лутфуллаева Н.Х., Иргашева Г.	Yosh mutaxassislarni kasbiy innovatsion faoliyatga tayorlashda muammoli o'qitish texnologiyasidan foydalanish samaradorligi	121
Эргашева Д.Д.	Цифровая образовательная среда как фактор профессионального развития педагога	125
Маамаражабов Ш.Э	Кредит модул тизими шароитида электрон таълимни ташкил этиш	127
Халмуратова Ж.Г.	Таълим жараёнида модулли таълим технологияси -фанлараро алоқадорликни жадаллаштиришнинг истикболли йўналиши	130
Мамажанов И.Г. Бегматов Д.	Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бўлажак иқтисодчи мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг долзарб муаммолари	133
Очилова Г.О., Азизова М.	Ахборотлаштирилган таълим муҳитида педагогик касбий инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари	136
Азимов Д. Т.,	Таълим назараяси ва амалиётининг замонавий муаммолари	138

Норбоева Н. Э.		
Акбарова С. Ш.	“Профессионал таълим” йўналиши талабаларида креативликни шакллантиришнинг аҳамияти	140
Жуманова Ф.У., Эшимбетова Д.У.	Янги Ўзбекистонда умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқариш	143
Мусаханова Г.М.	“КЕЙС-СТАДИ” технологияси талабаларнинг мустақил таълим жараёнида ташкилотчилик қобилиятини ривожлантирувчи инновацион метод сифатида	146
Кулдашева Ф.К. Сулаймонова Ди. В.	Рақамли технологияларни бугунги таълим жараёнида тутган ўрни	148
Қодиров И. Д. Тиловбердиев Ш. М.	Инклюзив таълим ва унинг мазмун моҳияти	150
Латипов А. Р.	Инновационная деятельность преподавателей в системе высшего образования	152
Равшанов Ж. Ф. Қаршибоев Ш. Т.	Умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга кластерли ёндашув	155
Саидакбаров Х.А.	Профессионал таълимда талабаларнинг иқтисодий билимларини шакллантиришда инновацион жараён ва рақамли иқтисодиёт истикболлари	157
Сапаев У. А.	Талабаларни инновацион фаолият маданиятини шакллантиришда янги таълим технологияларини яратиш ва қўллаш	160
Ходжакулова Д.И. Кенжаев А.	Мутахассис кадрларда маънавий – касбий сифатларни шакллантириш	162
Абдуллаева Г.С.	Малакали мутахассислар томонидан қўлланадиган таълим технологиялар мазмуни	164
Мухитдинов О.Х.	Олий таълим муассасаларида электрон таълим платформасидан фойдаланиш усуллари	166
Джуманиязов Ш.Р. Балтаев Р.Дж., Максудов М.М.	Методологические основы исследования человеческого потенциала в условиях рыночной экономики	167
Рахимова М.Д.	Олий таълим тизимида қўлланиладиган масофавий таълим моделлари	170
Мадиярова М.	Олий таълим муассасаси талабаларида касбий ижодкорликни шакллантириш	172
Очилова Г.О. Тожибоева Н.	Бўлажак педагоглар инновацион фаолиятини шакллантиришда ахборот технологияларининг ўрни	174
Мирлиева Д.Т.	Подготовка квалифицированных педагогических кадров за рубежом	176
Махмудова Ф.	Ўқитувчиларни инновацион технологияларни татбиқ этишга тайёрлашнинг диагностик тизими	179
Орипова Ф. М.	Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш	181
Садуллаев Т.Х.	Мамлакатнинг инклюзив ривожланиш индекси	183
Юлдашева Ш.	Особенности профессиональной подготовки педагогов в разных странах	187
Бурхиев О.Б.	Значимость взаимодействия педагога с информационной средой	190

3-шўъба. УНИВЕРСИТЕТЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ТАЛАБАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ		
Хакимова М.Ф., Умарова М.С., Садриддинова Д.Ш	Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бўлажак иқтисодчи мутахассисларда бошқарув малакаларини шакллантириш	194
Очилова Г.	Олий таълимни рақамлаштиришда талабалар билимини компьютер технологиялари орқали назорат қилишнинг асосий воситалари	197
Лутфуллаева Н.Х., Эргашева Г.	Талабалар фаолиятини баҳолашда таҳлилий фикрлаш қобилиятининг психологик моҳияти	200
Мусаханова Г.М.	Мустақил таълим жараёнида таълим олувчиларнинг ташкилотчилик қобилиятларини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш	203
Алимова Д.Д.	Банк хизматлари бозорида замонавий маркетинг фаолиятини ривожлантириш	206
Боймуратова З.	Оилада болалар тарбиясида миллий ва умуминсоний кадрларнинг ўрни	209
Зарипова М.Д.	Юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашнинг такомиллаштирилган механизми	213
Маматкулова М.М.	Талабалар маънавий дунёқараши ва рақобатбардош кадрлар	218
Нурумбекова Я.	Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёргарлиги	220
Фахриддинов Ё.	Бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёргарлигида педагогик диагностиканинг ўрни	224
Пулатова З. А.	Инглиз тилини ўқитиш жараёнида бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш	226
Турсунов М.А.	Мухандисларда мустақил таълим кўникмасини шакллантириш омиллари	228
Турсунова У.А.	Бўлажак иқтисодчиларда инглиз тилини ўргатиш жараёнида мулоқот компетентлигини ривожлантириш	231
Салихова Г.М	Оилада ногиронлиги бўлган фарзандларнинг ота-оналарига инклюзив таълимнинг татбиқ этиш самарадорлиги	233
Бадалова З.	Чорвачилик ва ветеринария соҳасида малакали кадрларни тайёрлашда инглиз тили фанининг замонавий методлари	235
Нурматова К.А.	Таълим жараёнидаги инновацион технологиялар моҳияти	237
Касимова Машхура Баходировна	Хорижий тилларни ўқитишда инновацион таълим тизимидан фойдаланиш	239
Раҳимова М.Д.	Малакали мутахассисларни тайёрлашда масофавий таълим эволюцияси	241
Умарова М.С.	Таълим тизимида ўқув услубий мажмуалар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар бўйича муаммолар	242
Тажиева З.К	Дарс самарадорлигининг ошишида мультимедиа воситаларининг ўрни	245
Каримова Ф.Х.	Талабаларнинг дидактик компетенциясини такомиллаштиришда мустақил ишларнинг ўрни	246
Каримова З.М.	Дарс жараёнида электрон таълимни ривожлантириш аҳамияти	248

Садуллаева Б. С.	Роль активных методов обучения в изучении иностранных языков	250
Суюнов И.Э.	Ҳарбий таълим фанларини ўқитишда масофавий таълимнинг ўрни	252
Сувонкулов Ҳ.Т.	Формирование и усовершенствование информационной компетентности у будущих учителей в процессе непрерывного образования	255
Тожибоева Н.	Олий таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлашда электрон таълимни ривожлантириш	257
Нурматова Д.	Таълимни ривожлантиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти	259
Жалолова М.	Темир йул транспортининг юк ва йўловчилар ташиш хизматлари бозорини ривожлантириш	261
Мусаханова Г.М. Икрамова М.	Таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш	266

мақсадларга эришиш воситаси сифатида хизмат қиладиган махсус методик муаммоли вазиятни яратиб ўзгартириш мумкин. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи иқтисодиёт мазмунини ўзлаштиришнинг мотив, мақсад ва вазифаларини, ўқув муаммоси, шунингдек, муаммо ечимига олиб келувчи ўқув жараёнини ташкил этиш усули, шакли ва воситаларини англаши мумкин бўлган шароитни яратиш заруриятлари ўрганилган.

Шундай қилиб, методик дастур таъминотини фундаменти бўлажак мутахассисларда етуклик қобилиятни шакллантиришга имкон берувчи ахборотлар йиғиш ҳамда улардан машгулот жараёнида фойдаланиш йўлида маълум имкониятларни яратади. Иқтисодчи мутахассисларнинг касбий маҳоратини шакллантиришда мустахкам фундаментал асос ҳамда, таълим технологияларидан оқилона фойдаланиш, ижодий фаолиятга тайёрлаш жараёнининг самараси кўп жиҳатдан унинг ахборот таъминоти педагогик жиҳатдан бошқариш йўналишларининг тизимли ва узлуксиз бўлишини тақозо этади. Бугунги кунда таълимни ривожлантиришнинг янги поғонасида ўқитишни техник воситаларсиз кўтариб бўлмайди. Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бўлажак иқтисодчи мутахассисларда ижодкорлик қобилиятини шакллантиришнинг муҳим шарти фундаментал асосли фаолиятдир. Демак, кадрларнинг асосий вазифаси ушбу фаолиятни ташкил этиш шакл, усул, восита ва йўналишларини белгилаб берувчи зарур ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Ахборот таъминотининг ҳаддан зиёдлиги сабабли ахборот таъминотини педагогик жиҳатдан бошқариш, уларнинг илгор техника ва технология ютуқлари билан бойитилганлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

*Ўсаров Жаббор Эшбекович, педагогика фанлари доктори,
профессор в.б.,*

*Усманиев Ҳасан Одил ўғли,
“Педагогика” факультети талабаси*

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

ЎҚУВЧИЛАРДА СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

Синфдан ташқари ишларга ўқувчилар билан ўтказиладиган ва уларга тарбия ҳамда билим беришга қаратилган турли хил машгулотлар тизими киради. Бундай машгулотлар педагогик жамоа, синф раҳбари, ёшлар ташкилотлари раҳбарлиги ва болаларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари томонидан дарсдан ташқари вақтда уюштирилади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқувчилар саройлари, ёш техниклар, ёш табиатшунослар, ёш сайёҳлар клуби ва мактабдан ташқари бошқа муассасалар катта ёрдам беради. Синфдан ташқари ишларнинг асосий шакллари сифатида оммавий ишлар (мактаб клубларидаги тадбирлар, кеча, мунозара ва танловлар ўтказиш, викторина ва кўргазмалар уюштириш, табиат кўйнига, мактаб ва музейларга экскурсияларга чиқиш), тўғарак ишлари (ўқувчиларнинг турли

тўғараклар, спорт секциялари, ансамбллардаги қатнашишлари), мустақил ишлар (ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқиши, коллекция тўплаши, техника, музика, тасвирий санъат, чизмачилик ва ҳ.к. билан мустақил шугулланиши)ни кўрсатиш мумкин. Кўпгина мактабдан ташқари муассасаларнинг ишлари мисолида, мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишида мактаб ва оилага жиддий ёрдам бермоқдалар деган хулосага келиш мумкин. Ўқитувчи муайян аҳоли яшайдиган жойда мактабда қандай муассасалар борлигини билиб, улар билан ҳамкорликда қилинадиган ишни йўлга қўяди, ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тўғаракларга йўллайди. Мактаб болалалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишни режалаштиришда мактабдан ташқари муассасалардан олиши мумкин бўлган ёрдамни ҳам назарда тутди. Мактабнинг тарбиявий иш режасини болалар муассасаларининг режасига мослаштириш зарур.

Мактаб тарбиявий иш режасини ўқувчилар билан синфдан ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган ишларнинг форма ва методларини, уларни оқилона йўлга қўйишни ўз ичига олади. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни қуйидагича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ: турли тадбирлар (ролли ўйинлар), касб танлаш ишлари рўйхатини тузиб чиқиш, касб ҳақида бурчак ташкил қилиш, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, ўқувчиларга анкеталар тарқатиш, жавобларни таҳлил қилиш, қизиқишлар харитасини тўлдириш, касб ҳақида иншо ёздириш, ўқувчиларнинг техник ижодиёти кўرғазмасини ташкил қилиш), синфдан ташқари ўқишни ташкил қилиш (фан ўқитувчилари билан биргаликда адабиётлар рўйхатини тузиб чиқиш, ўқилган асарлар юзасидан давра суҳбати уюштириш, синфда адабий – бадиий кўрғазма ташкил қилиш, мактаб ахборот ресурс маркази билан узвий алоқа боғлаш ва хоказолар). Айниқса боғча ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълимий-тарбиявий фаолиятлари ўзига хос хусусиятга эга: ўқувчиларда ҳаётий тажрибаларнинг камлиги, ўқув-тарбия жараёнида ходисаларга қизиқиш, «яхши», «ёмон» ҳаракатларга чуқур муносабат билдира олмаслиги кабилар. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир.

Жамоат ташкилотлари ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган хилма-хил машгулотларни ўқитувчилар ёрдамида ташкил қиладилар. Синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига кўра жуда хилма-хил: ижтимоий-сиёсий, илмий, ижтимоий фойдали, бадан тарбия-соғломлаштириш ишлари бўлади. Синфдан ташқари ишлар уч хил формада: оммавий, тўғарак ва индивидуал формаларда ташкил қилинади. Эрталиклар, мактаб кечалари, болалар байрамлари, кўриклар, қувноқлар ва топқирлар тўғараги, сайр, синф ва мактаб музейлари, болалар ишларининг кўрғазмалари ва хоказолар.

Тўғарак ишлари: мактабдаги ҳар бир тўғарак ўзининг доимий иш кунлари ва соатларига эга бўлиши лозим. Тўғаракда қатъий интизом бўлиши: тўғарак аъзолари машгулотларига кечикмасдан келишлари, тўғарак топшириқларини батартиб бажаришлари, тўғаракнинг моддий бойлиқларини эҳтиёт қилишлари керак.

Ўқувчининг нима ўқиётгани ва ўқиган нарсаларини қандай идрок қилаётганини ўқитувчи билиши жуда муҳим. Шунинг учун ўқитувчининг синфдан ташқари ўқишга раҳбарлиги энг яхши китобларни тарғиб қилиш ва ўқувчиларда ўқилган дарсликларни тўғри, чуқур идрок этишни ривожлантиришдан иборат.

Индивидуал топшириқларнинг турлари жуда кўп бўлиб, ўсимликлар ўстириш, гуллар, сабзавотлар етиштириш ҳам ана шундай топшириқлар жумласига киради. Индивидуал топшириқларда ҳар бир ўқувчининг имконият ва қизиқишлари ҳисобга олинса, улар болаларнинг қобилиятлари, истеъдодларини ўстиришга ёрдам беради. Ўқитувчи таълим жараёнида болаларнинг маданий эҳтиёжлари ва камолот даражаларини аниқлаш билан шугулланади. Уларга мувофиқ тарзда айрим ўқитувчилар, группа ёки бутун синф билан олиб бориладиган синфдан ташқари ишларни режалаштириш.

Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқитувчининг йўналтирувчи таъсири остидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиш асосига қурилган ва фан кабинетларида, кутубхонада ва уйда яқка тартибдаги режа асосида ўтказиладиган мустақил машғулотлар етакчи шаклга айланиши керак. Бунда синфдан ташқари ишда таълимнинг моддий базаси: кўшимча ва маълумотнома адабиётлари лаборатория ускуналари, кўргазмали кўлланмалар, дидактик материаллар, техника воситаларидан оқилона фойдаланиш кўзда тутилади. Улар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- дарслик ва кўшимча адабиётлар билан ишлашнинг хилма-хил шакллари олинган, назарий билимларни ўзлаштиришни таъминловчи;
- тажрибалар, ижодий тусдаги ишларни бажаришни, асбобларни лойиҳалашни, макетлар, моделлар ва ҳоказоларни тайёрлашни олинган мустақил ишлаш учун топшириқлар системаси мақсадга мувофиқдир.

Mamarajabov Shavkat Ergashevich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
“Innovatsion ta’lim” kafedراسи dotsenti
Sharipov Begzod Dilmurodovich
magistratura talabasi

PROFISSIONAL TA’LIM TIZIMIDA XORIJ TAJRIBASIDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI

Profissional ta’lim tizimi muassasalarida ta’lim sifati va uning samaradorligini oshirishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanib darslarni tashkil etish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Malakali kichik mutaxassislarni tayyorlashda pedagoglar ta’limning innovatsion yutuqlaridan, jumladan ilg’or pedagogik texnologiyalardan foydalanish, o’quv jarayonini samarali tashkil etishi uchun ta’lim metodlari va o’qitishning texnik vositalarini tanlash, dars jarayonining ketma-ketligini to’g’ri taqsimlash hamda tegishli baholash mezonlarni tanlash muhim omillardan hisoblanadi. Shu o’rinda,

“Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili to‘g‘risida davlat dasturi to‘g‘risidagi qarori”da mamlakatimizda sog‘lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yoshlarning o‘z ijodiy va intellektual salohiyatini ro‘yobga chiqarish bo‘yicha qo‘yilgan vazifalarda — ta‘lim jarayoniga yangi axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalar, elektron darsliklar, multimedia vositalarini keng joriy etish yo‘li orqali mamlakatimiz, professional ta‘lim muassasalarida o‘qitish sifatini tubdan yaxshilash, samarali tizimini yanada rivojlantirish ko‘zda tutilgan. Maxsus fanlar va umumkasbiy fanlarni o‘qitishda nazariy va amaliy mashg‘ulotlarni bir-biri bilan uzviy bog‘lash, ularning o‘rtasidagi tavofutlarni bartaraf etish uchun hamda ta‘lim oluvchilarning nazariy bilimlari asosida ularning yangi ko‘nikma va malakalarni shakllantirish uchun ta‘limning zamonaviy metodlaridan biri bo‘lgan “4 pog‘onali usul” metodidan foydalanish maqsadga muvofiqdir. “4 pog‘onali usul”dan foydalanib amaliy mashg‘ulotlarni samarali o‘tkazishda ta‘lim oluvchilarni ishlab chiqarishning yangi texnologiyalari, yangi mehnat usullari va baholash mezonlari bilan tanishtirib borish lozim.

“4 pog‘onali usul” quyidagi bosqichlarni o‘z ichiga oladi:

1. Motivatsiya bosqichi
2. Axborot bosqichi
3. Qo‘llash bosqichi
4. Nazorat bosqichi.

1. **Motivatsiya bosqichi** yangi mavzuga kirish uchun qiziqarli kirish vaziyatini hosil qiladi. Bu pog‘onada ta‘lim beruvchi ta‘lim oluvchilarni mavzuning maqsadlari bilan tanishtiradi va ularning boshlang‘ich bilim zaxirasini aniqlab oladi. Agar ta‘lim oluvchi o‘zi bilgan ma‘lumotlarni yangi bilimlar bilan bog‘lay olsa, u tezroq o‘rganadi va o‘rgangan yangi bilimlarini yaxshiroq esda saqlab qoladi.

2. **Axborot bosqichi** – ta‘lim beruvchi muhim nazariy bilimlarni berishi lozim. Bunda ta‘lim oluvchilar o‘quv sohasi bo‘yicha o‘rganishga jalb etiladi va nazariy bilimlarini amaliy tajribalari bilan bog‘lash uchun axborotlar oladi. Shu tariqa ta‘lim oluvchilar yangi tizim haqida tushunchaga ega bo‘ladi, yangi qismlar, yangi mehnat qurollari va usullari bilan tanishadi. Ta‘lim oluvchilar muammolarni yechish imkoniyatlarni ishlab chiqadi va “Men bilaman” degan tushuncha hosil bo‘lishiga erishiladi.

3. **Qo‘llash bosqichi** – ta‘lim oluvchilar topshiriqni bevosita bajarib o‘rganadi. Bunda o‘rgangan bilim va tushunchalarini qo‘llaydi. Ta‘lim oluvchilar biror harakatni boshlashdan oldin mehnat xavfsizligi qoidalarini og‘zaki takrorlaydilar va imkoniyat darajasida ta‘lim oluvchilar mustaqil ravishda ish harakatlarini olib boradilar. Ta‘lim beruvchi esa ta‘lim oluvchilar harakatlarini kuzatib boradi. Agar ta‘lim oluvchilar biron-bir qiyinchiliklarga duch kelsalar va ularga yoki jihozlar uchun xavf-xatarlar kelib chiqsa, ta‘lim beruvchi qo‘shimcha tushuntirish ishlarini olib boradi. Natijada ta‘lim oluvchilarda “Men bajaryapman” degan tushuncha paydo bo‘lishiga erishiladi.

4. **Nazorat bosqichi** – ta‘lim beruvchi natijalarni baholashi va muvaffaqiyatlarni sanab o‘tishi lozim. Shunda ta‘lim beruvchi tomonidan ta‘lim oluvchilar ishlari obektiv baholanadi. Bu pog‘onada ta‘lim beruvchi ta‘lim oluvchi tomonidan uchragan xatolarni muhokama qiladi va to‘g‘rilash imkoniyatlarini aytadi. Ta‘lim

oluvchilarda yangi ko'nikma va malaka hosil bo'lganini aniqlash uchun ta'lim oluvchilar tekshiriladi. Bu usul yakunida ta'lim oluvchilarda "Men bajara olaman" degan tushuncha paydo bo'ladi.

"4 pog'onali usul" bilan o'tkazilgan amaliy mashg'ulotlarda yangi bilim, ko'nikma va malaka shakllangandan so'ng ta'lim oluvchilar bilan yana mashqlar o'tkazish lozim. "4 pog'onali usul"ni qo'llash orqali amaliy mashg'ulotlarni o'tkazishda ta'lim oluvchilarni o'quv jarayoniga jalb qilish va har bir ta'lim oluvchining darslarda to'liq ishtirokini ta'minlashga erishish mumkin.

Germaniya ta'lim tizimi pedagogik xodimlarning malakasini oshirish moslashuvchan xarakterga ega bo'lib, ular maxsus akademiya, universitet, korxonalar va hududiy trening markazlari shuningdek, professional ta'limi muassasalarida tashkil etiladi. Germaniyaning ta'lim tizimini quyidagi ketma-ketlik asosida tushuntirib o'tish mumkin:

O'quv jarayonida — o'quv maqsadini tanlash va joriy etish o'qitishning maqsadi o'qituvchi yoki maxsus komissiya tomonidan tuzib chiqiladi va u: har bir darsdan so'ng; bo'lim yoki bobdan so'ng; to'liq bir modul yakunida o'quvchilar nimalarni bilishi, bajara olishi va amaliyot jarayonida o'zini qanday tutishini ifodalaydi.

Ijobiy tomonlari: o'qituvchi maqsadni to'g'ri tanlay oladi; darsning rejasini aniq tuza oladi; vaqtni to'g'ri taqsimlay oladi; kerakli media va metodlardan to'g'ri foydalana oladi; darsning oxirida testlardan foydalanib, o'quvchilarni materialni qanday qabul qilganliklarini ham bilish mumkin.

Fikrimizning dalili sifatida boshlang'ich professional ta'limda "Biznes asoslari" fanidan "Biznes reja ishlab chiqish va muvaffaqiyatli taqdim etish" mavzusigagi o'quv mashg'ulotini tashkil etishni qarab chiqamiz. Boshlang'ich professional ta'limda "Biznes asoslari" fanida "Biznes reja ishlab chiqish va muvaffaqiyatli taqdim etish" mavzusiga 6 soat ajratilgan bo'lib, buning 2 soati amaliy va 4 soati mustaqil ta'limdan iborat.

Darsning maqsadi:

A) Ta'limiy: bo'lajak kichik mutaxassislarda biznes reja ishlab chiqish va muvaffaqiyatli taqdim etish to'g'risidagi bilim va ko'nikmalarni shakllantirish.

B) Tarbiyaviy: o'quvchilarda mutaxassislik sifatlarini shakllantirish.

V) Rivojlantiruvchi: "Biznes reja ishlab chiqish va muvaffaqiyatli taqdim etish" haqida bilim va ko'nikmalarini shakllantirish orqali o'quvchilarda kasbiy ko'nikmalarni rivojlantirish.

Darsdan kutilayotgan natijalar, mavzuni o'zlashtirishdan so'ng quyidagi bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'ladilar: biznes reja ishlab chiqish va uni muvaffaqiyatli taqdim etish haqida bilim va ko'nikmalarga ega bo'ladilar.

Darsning turi: amaliy

Darsga ajratilgan vaqt miqdori: 80 daqiqa

Dars rejasi:

1. Biznes rejani tuzish rejasi. Biznes rejani asosiy tarkibiy qismlari.
2. Biznes rejaning hayotiyliigi va muvaffaqiyatliligini ta'minlash. Biznes-rejani ishlab chiqishdagi muhim jihatlar va yo'l qo'yiladigan kamchiliklar.
3. Biznes rejani muvaffaqiyatli taqdim etish qoidalari.

Asosiy qism:

Yangi mavzu bayoni: Reja asosida mavzuga oid nazariy ma'lumotlar o'quvchilarga beriladi (Mavzu mazmuni ilovada keltirilgan).

Yangi mavzuni mustahkamlash:

1. Muvaffaqiyatli tadbirkorlikni amalga oshirishda axborotlar va ulardan foydalanishning o'rni qanday?
2. Qanday axborot manbalarini bilasiz?
3. Tashqi dunyo deganda nimani tushunasiz?
4. Tadbirkorlikni tashqi dunyo bilan bog'lashni qanday ijobiy tomonlari bor?
5. Korxonada eksport hajmining oshirilishi unga qanday iqtisodiy manfaatdorlikni beradi?
6. Biznes-reja ishlab chiqish va unga qo'yiladigan asosiy talablar nimalardan iborat?
7. Ishchi guruhni tashkil etish tartibi qanday?
8. Biznes-reja tuzish texnologiyasiga tavsif bering.
9. Korxona faoliyatini baholashning qanday yo'llari bor?
10. Biznes-reja kim uchun, qachon va nima uchun kerak?
11. Biznes-rejaning maqsadi, vazifasi va tuzishdagi ayrim xususiyatlarini tavsiflab bering.

Uyga vazifa: Xususiy tadbirkorlikka oid biznes reja ishlab chiqish.

Mazkur mavzuning motivatsiya bosqichi o'quvchilarda tadbirkorlik faoliyatining inson hayotidagi va jamiyatdagi ahamiyatini ularga tusuntirish orqali, mashhur tadbirkorlar to'g'risida ma'lumotlar berish orqali amalga oshiriladi.

Axborot bosqichida o'qituvchi tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yishda biznes-rejaning ahamiyati va uni ichlab chiqishga oid bilimlarni uzatadi.

Qo'llash bosqichida o'quvchilarga biznes-reja tuzishga oid topshiriqlar beriladi. Bunda o'quvchilar mustaqil ravishda o'z biznes-rejalarini ishlab chiqadilar. O'qituvchi ularning nechog'li buning uddasidan chiqishlarini nazorat qilib boradi.

Nazorat bosqichida esa, ular ishni yakunlagach o'zaro muhokama o'tkazilib, topshiriq natijalari baholanadi. Shu tariqa o'quvchilarda ko'nikma va malakalar shakllantiriladi.

Xulosa qilib aytganda, "4 pog'onali usul" orqali amaliy mashg'ulotlarda samarali o'quv natijasiga erishish mumkin. Shuni aytish kerakki darsni ta'lim oluvchilar tomonidan to'liq o'zlashtirishi, qiziqarli o'tishi hamda ta'lim oluvchida shakllanib qolishida, bilim beruvchini o'z kasbini bilishi, o'z ustida ishlashi va eng muhimi o'z fanini sevishi katta ahamiyatga ega deb aytish mumkin.